## МАЪРИФАТ МАНЗИЛИ

## Кўк тулпор чавандозлари

### ёхуд табиблар шажараси ҳаётидан лавҳалар

### ЮНУСХОННИНГ ШИФОБЕГИСИ

...Авлодларимнинг ҳаммасиям табиб бўлишган эмас. Чунки табиблик авлоддан авлодга отамерос бўлиб ўтадиган эски жомашовмас. Шу боис баъзи қариндошларимиз ҳозир ҳам табибликка даъвогарлик қилишади-ю, бироқ эплашолмайди.

Энди бир оз ортга назар солайлик. Иморат қуриш ўша замоннинг ҳам талаби эди. Улар икки қаватли, ҳовлилар эса тўрт қисмдан иборат бўларди. Биринчи ҳовли отхона, меҳмонхона, сайисхона ва катта уй, пешайвон, ошхонадан ташкил топарди. Унда асосан эркаклар ва меҳмонлар яшашган.

Омборхонали, тандирхонали ва ошхонали иккинчи ҳовли тор ва узун бўлиб, оила аъзолари истиқомат қилишган. Унга ўтиладиган даҳлиз тепасида улкан кутубхона, табибларнинг алоҳида хонаси жойлашган. Учинчи ҳовли хизматкорхона, омборхоналар, молхона-ю қўйхонадан иборат бўлган. Кейинги ҳовлидаги кичик чорбоғда кўкатлар ўстирилган, ёзда моллар олиб чиқилган, ўтин-таппилар, ем-хашак, сабзавотлар сақланган.

Ўша кезлари шаҳарни чор ҳокими ва тўрт даҳанинг ҳокимлари бошқарган. Маҳаллий аҳоли эса ҳукмдорларни ёқтирмас, айни чоғда, ўзи билан ўзи ҳам чиқишмас эди. Оқибатда даҳаларга қозилар сайлаш ойлаб чўзиладиган жанжал-тўпалонга сабаб бўларди, гоҳида муштлашувга айланиб кетарди. Шаҳар қозисини сайлаш эса ҳақиқий жангни эсларди. Жанггоҳга тўпланган сайловчилар ўртасидаги ур калтак-сур калтаклардан кейин Ҳофиз ота қабристонида ўнлаб қабр пайдо бўларди.

Айтишларича, ўзаро ғанимлик аҳолини чарчатиб, ҳолсизлантириб қўйгач, шаҳарнинг обрўли кишилари еrости йўли орқали катта залда учрашиб, маслаҳатлашиб олган эканлар. Бу йўлни мен узоқ қидирдим. Ҳозирги «Ҳадра» меҳмонхонаси қурилиши чоғида пойдевор остидан йўлли хона чиққанини эшитиб бордим. Бироқ у аллақачон бетонлаб ташланган эди. Қурилиш раҳбарлари режа бўйича иш бошлаб юборилганини, энди кеч бўлганлигини айтишди.

Ғанимлик ва хунрезлик жонга теккач, шаҳар аҳли Шайхонтоҳур даҳасидаги донгдор ва машҳур оила фарзанди Юнусхонни Тошкентга хон қилиб сайлайдилар. Шаҳарга осойишталик чўкади, тараққиётга йўл очилади. Тошкент мустақил давлат деб эълон қилинади, ўз қўшини тузилиб, деворлари таъмирланади. Давлат пули, яъни рупий жори этилади. Туркий тил давлат тили сифатида қабул қилинади. Хонлик чегараси бир томондан Туркистонгача, бошқа томондан Қўқону Хўжандгача етиб боради.

Юнусхоннинг эзгу орзуларидан бири хонликка қарашли кудратли қўшин тузиш эди, шунга кўра, «қора қозонлар» деб аталган аскарларга маош тариқасида ер берилади. «Дегрез» маҳалласидаги усталар чақирилиб, уларга Русиядан махфий равишда олиб келинган милтиқ ва тўппончалардан тўп ясаш буюрилади. Лекин ундан биринчи ўқ отилган вақтда Юнусхон аллақачон оламдан ўтган эди.

Қўшиннинг ўз табобати йўқ эди. Шу боис бу ишга хонга анча яқин ҳисобланган Араббой жалб қилинади. Бу вақтда унинг ўғли Муталбой ҳам Бухоро таҳсилидан қайтиб, табибчилик борасида эл назарига тушганди.

Юнусхон Калҳовуз (Кайковус) бўйида саркардаларга мўлжаллаб қурдирган касалхона кейинчалик бутун қўшиннинг табобат қисмига айланади. Араббойнинг тавсияси билан Муталбойга «шифобеги» мансаби берилади, у ушбу шифохонада хизмат қилади. Беклардан бирини даволаб у билан қиёматлик дўст тутинади. Пировардида, ўзаро қуда бўлишади. Камина ўша шоҳнинг бир меваси ҳисобланади.

Шифобеги боғдаги олмалар уруғидан дори қилишни, қуртнинг ва талқоннинг ўнлаб хилларини тайёрлашни йўлга қўйди. Улар аскарлар учун ниҳоятда шифобахш малҳам, тўйимли озуқа бўлган. Бир халта талқон ва қурт навкарга бир неча ҳафтага етган.

Ҳарбий ҳаёт Муталбойга ўз таъсирини ўтказди. Баланд бўйли, шижоаткор, камгап бу киши бошқаларни ҳайратга солиб, кўпроқ пиёда юрган. У жарроҳлик билан ҳам шуғулланган. Шу мақсадда асосан мисдан ишланган асбоблардан фойдаланган. Фақат аскар навкарларнинггина эмас, жангда жароҳатланган наслдор отларнинг синган, чиққан суякларини, яраларини даволаш ҳам унинг зиммасида бўлган. Муолажа жараёнида у мўмиёни кўп ишлатган. Бу малҳам, чамаси, давлат томонидан тоғлардан махсус йиғиб келтирилган бўлса керак.

Юнусхондан сўнг Тошкент Қўқон хонлигига қарам бўлиб қолади. Шу боис Муталбой қушбеги табибчилик ва бошқа тирикчилик йўлини тутади. Гарчи у тайинли мансаб ва маошдан ажралган эса-да, ер-мулк етарли бўлган. Ўзи тижорат билан ҳам шуғулланган. Унинг карвонлари Сибирга, Қашқарга, Русияга қатнаб турган. Бозордаги дўконларидан ҳам фойда кўрган. Рўзғор учун зарур мева-сабзавотлар боғ ва даласидан, гўшт-сут маҳсулотлари тоғдаги ва даштдаги чорвасидан келган. Муталбой асосан Сибирдан кўплаб мўйна олиб келтирган. Аждодларимиздан қолган охирги савсар пўстинни ойим раҳматли бундан 30 йилча муқаддам таъмирлашга ҳаракат қилиб кўрди. Аммо иложи бўлмади, пўстин тўкилиб тушди.

Ўша даврда ҳар бир маҳалла ўз хавфсизлигини ўзи таъминлар эди. Қилич, найза, совут каби шахсий қуроллар уйда, маҳалланики эса махсус хонада сақланарди. Чоризм даврида даҳалараро мавжуд келишмовчиликлар туфайли маҳалла йигитларига тарқатиш учун найза, шашвар, сўйиллар ҳамда қишда пойлоқчилик қилиш учун пўстин ва йигирма-ўттиз этик тайёрлаб қўйилган. Этиклар қиш-қировли кунларда, лойгарчилик пайтлари хизматда бўладиганларга ҳам берилган.

Муталбой, шифобегилиги кафолати биланми, бу юмушни ўз гарданига олган. Кейинчалик қурол қолмаган бўлса-да, этикларни ҳозирлаб қўйиш инқилобгача табиблар хонадони зиммасида турган. Бу оёқ кийимларини кузда таъмирлаш ва янгилаш улар учун одат тусига кирган.

Муталбой даврида кутубхона ҳарб ишига дахлдор қўлланма ва асарлар билан анча бойиган. Қашқардан уйғур ва хитой ҳарбий табобатига доир китоблар келтирилиб, нусхалар кўчирилган. Айтишларича, бу иш билан шуғулланган ҳаттотлар йиллаб муқим ўтириб ишлаганлар.

Юнусхон инқирозидан кейин Муталбой ҳажга боради. Ота-боболари тушида ҳам кўрмаган жойларда бўлади. Чунончи, Испаниядаги масжиду мадрасаларни кўриб ҳайратга тушади.

У юз йилдан ортиқ умр кўрган. Чунки ўта ҳаракатчан бўлган, кўп таом емаган, маишатга берилмаган. Уч-тўрт кафт талқон билан кифояланган. Аммо унинг ўғли...

### ҲАР ҲАФТАДА БИР ТЎН ЯНГИЛАГАН ТАБИБ

Муҳаммад Шукур Тошкент Европа томон очилган дарвозага айланган даврда яшаган. У, гарчи айрим жиҳатларига кўра Араббойга ўхшаса-да, ўта ҳалим инсон бўлган. Бировга озор бермаслик учун паст овозда сўзлаган. Ҳатто чақалоқларга ҳам сизлаб мурожаат қилган. Унинг ўта тақводорлигини, нозиктаъблигини баъзилар ёқтирмаган. Шойи рўмол тутишидан, турли таомга турли хил нон, қаймоққа ширмой нон, суюқ овқатга оби нон, норин шўрвасига лочира ёптиришидан кулишган. Мураббонинг ҳар хил турларини пиширтиришидан айрим кишиларнинг энсаси қотган.

Муҳаммад Шукур 30 ёшга кирмаёқ, халқ уни «Машҳур ҳожи» деб атай бошлаган. Унинг элда эъзоз топишига эса сармоядорлиги, ҳозирги тил билан айтганда, банкирлиги, қўли очиқлиги сабабчи бўлган. У Эски шаҳар бозоридаги мош растасининг бошланишида жойлашган шинамгина дўконида ўтирган. Бозорнинг ўктам, ишбилармон йигитлари унинг олдига турли таклифлар билан келиб туришган. Айтайлик, Каттақўрғондан майиз келган. Уни кўтарасига олса бўладими? Ёки мозорнинг қоровули ўн қоп кабутар гўнгини йиғибди. Ўзи эса пулга муҳтож. Нима қилса бўлади? Машҳур ҳожи бундай кезларда маслаҳатини аямайди. Қарабсизки, кабутар гўнги терини ошлашда ишлатиш учун кўнфурушларга сотилади.

Кўп ўтмай ён дўкондаги улфат сармоя сўрайди. Машҳур ҳожи уни ҳам хафа қилмайди. Чунки у бозор табиатини яхши билади. Масалан, писта кўмир тайёрловчиларнинг пули оз. Уларга ҳам сармоя бериш мумкин. Қарзларини кузда писта кўмир бериш ҳисобига узишади. Ёки, дейлик, Оҳангарондан тоза гилвата топилибди. Ҳозир ўша ёққа карвон чоғланяпти. Гилвата учун сармоя сарфлаш ҳам зарар қилмайди. Баҳорнинг иликузилди дамларида бошқоронғи аёллар азоб чекмайдилар. Гилвата ёпилган нонга қўшиб берилса, болалар ҳам девор кесагини ялаб-еб юрмайдилар...

Машҳур ҳожининг яна бир ажойиб одати бўлган. Уйида аввал катталар, сўнг кичиклар овқатланишган. Бундай кезларда у дўконини ташлаб кетиб бўлса-да, болаларининг овқатланишига шахсан ўзи бош-қошлик қилган. Оиладаги фарзандлар орасида эса чопқин ва босқинларда ота-онаси ўлиб, етим қолган қозоқ болалари ҳам бўлган. Умуман олганда, Машҳур ҳожи етимпарвар киши ҳисобланган. Шунданми, ҳозир ҳам авлодларимиз орасида сариқ соқоллилари учрайди.

Машҳур ҳожи Баҳодирхон эшон-мударрис, кейинроқ бу даврага қўшилган Хислат домла, Булбул қори билан учрашганда биринчи бўлиб отдан тушишга ҳаракат қилган. Сабаби, улар ҳар йили ёзда боғда, куз ва қишда шаҳарда ҳафталаб илмий мажлислар ва ғазалхонлик кечалари уюштиришган. Шу асно тутхўрлик, узумхўрлик, қовунхўрлик, норинхўрлик қилишган. Машҳур ҳожи Бедил ғазалларининг мухлиси бўлган. Сўфи Оллоёр, Машраб, Аҳмад Яссавий ғазалиётига бағишланган жўшқин кечаларда ҳам фаол қатнашган. Кимда-ким Бедил ижодига оид бирор янгилик айтса ёки бирор хонанда унинг янги ғазалини қўшиқ қилиб ижро этса, унинг елкасига тўн ташлаган. Таваллонинг илк ғазали ўқилган кечада унга от ҳадя қилган. Бояқиш икки йиллик мадраса таълимини тугатиб олган.

Каллахонадаги китоб таъмирлаш устахонаси синиши арафасида у ерда қирққа яқин ҳаттот ва уста ишларди. Машҳур ҳожи улардан ҳам марҳаматини дариғ тутмаган. Кўрган яхшиликлари эвазига Ғулом Ҳасан Орифжонов унинг хонадони билан умрининг охиригача борди-келдини узмаган.

Энг қизиғи, Машҳур ҳожи ҳар ҳафтада бир тўн янгилаган. Эгнидан ечганини муҳтож кишига берган. Меҳмонхона айвонидаги қозиқда ҳар доим янги тўн осиғлиқ турган. Ифторлиги доимо бир мискин, иқтидорли муллабачча ёки маҳалла мўйсафиди билан бўлган.

Машҳур ҳожи эл орасидаги сиёсий ишларга ҳам кўп аралашган. Муаммоларни ҳал қилишда сўзи ўтган. Сармояси хўп бароқатли бўлганлиги, ўзи чумолига ҳам озор бермаганлиги, бировларнинг кўнглини қолдирмаганлиги, ҳамиша кўмакка тайёрлиги билан халқ ҳурматини қозонган. Унинг тақводорлар, уламолар ичида қўли очиқлиги, муаллавачаларга меҳру мурувватлилиги, савдода ҳалоллиги, кибрҳаводан йироқлиги, сўфиёна хислатлари элга бағоят ёққан.

Машҳур ҳожи яшаган даврда бирор олим ёки иқтидорли муллавачага кўпчилик олдида мақтаниб, садақадек қилиб пул бериш одат бўлмаган. Аксинча, ўша одам бирор дўкон ёки устахонанинг фойдасига шерик сифатида бириктириб қўйилган. Дўкондор ёки уста ҳар ҳафта унга пул бериб турган. Шу тариқа ёрдамга муҳтож кишининг ғурурига лат етмаган.

Машҳур ҳожи муолажа жараёнида ал-Розий усулини қўллайди. Айни чоғда, Муталбой жорий этган хитой усулларидан ҳам фойдаланади. Айниқса, уқалаш усулидан, яъни массаждан. Шу мақсадда уч ҳаммомдаги ходимгарларни массаж қилишга ўргатган.

Қадимда ҳар бир ҳаммомда ўз мижозларига эга уқаловчилар бўлган. Улар эл орасида худди табиблар сингари маълум ва машҳур ҳисобланганлар. Отам раҳматли дардни уқалаб даволовчилар қабулига ойда бир марта бормасалар, беланги бўлиб қолардилар.

Уқаловчилик касби авлоддан авлодга ўтган. Бирор ходимгар шогирд тайёрласа ёки ўғлига шу ҳунарни ўргатиб бўлган бўлса, уни албатта табиблар ҳузурига олиб келиб синовдан ўтказар, сўнг оқ фотиҳа оларди.

Мен машҳур ҳожи сулоласига мансуб уқаловчи-ходимгарларнинг уч-тўрт вакилини кўрганман. Улар қотмадан келган, пойдор ва ҳаракатчан кишилар бўлиб, терилари хунук ва негадир ҳаммаси чапанироқ, запти тор кўринган эдилар.

Машҳур ҳожи болалигида отаси билан маҳкама масжидига кўп борган бўлса керак. У саркардалар масжиди бўлиб, жоме масжидидан олдин, қарияларнинг айтишича, Зол ва Кайхисравлар даврида қурилган. Чорси тарафга чиқадиган метро бекати ўрнида жойлашган маҳкама масжиди 70-йилларда, ҳозирги «Чорси» меҳмонхонаси яқинидаги эски намозгоҳ эса урушдан олдин бузиб юборилган.

Эски шаҳар бозорнинг гуллаб-яшнашига сабаб Русия билан савдо алоқалари йўлга қўйилганида эди. Йилига 6-7 минг туяли ва отлиқ карвон Русияга бориб-келиб турган. Кейин Тошкент чоризм томонидан забт этилади. Шаҳар ҳукмдорлари ўзгаради. Ким ўрисларга ён бериб, уларнинг хизматини қилса, эъзозли бўлиб бойий бошлайди. Аммо улар босар-тусарини билмайдиган, ҳаром-ҳаришнинг фарқига бормайдиган, пул кутуртирган, ақлини, виждонини моғор босган, очкўз, иймон-эътиқоди суст кишилар эдилар. Улар бозорни тобора эгаллаб бораётганини кўрган Машҳур ҳожи Ҳиротга кўчиб кетишни ният қилади. Шу мақсадда карвон юбориб, у ердан жой ва боғ сотиб олишга чоғланади. Бироқ худди шу пайтларда Эски шаҳарда киши сезар-сезмас қатағон бошланиб кетади. Оқ пошшо маҳаллий аҳоли орасидаги одамлари орқали ўзига ғаним билганларни синдириш сиёсатини қўллайди. Машҳур ҳожининг кўчишга ажратган олтинлари, синиш оқибатида, тамом бўлади. У бозордан ҳалоллик ва инсоф йўқолаётганини билгач, ҳаммасига қўл силтаб, тоат-ибодатга берилади. Умрининг охирига қадар уламолар даврасида яшайди...

**Акбар ЮНУСОВ**

## ОЗОДЛИК ТАШНАСИ

60—80-йилларда озодлик ҳақида ўйлаган, Чўлпон, Фитрат каби буюк курашчи адибларнинг анъаналарини баҳоли қудрат давом эттирган шоирлар сафида Тошкентнинг «Кўкча дарвоза» маҳалласида туғилиб ўсган истеъдод соҳиби Асқар Қосим (1946—1985 йиллар) ҳам бор эди. У сафдошлари Р. Парфи, Ч. Эргаш, М. Бобоевлар каби истиқлол туйғусини куйларкан, гоҳ фикрларини қават-қават «парда»ларга ўрашга, гоҳ ўзи акс эттираётган воқеа ёки қаҳрамонни тарихдан ва хориждан олишга, гоҳ-гоҳ мустақиллик ҳақида имо-ишоралар билан чекланишга мажбур бўларди. Ўша кезларда она-юрт дарди билан яшаш керак, деган фикрни пардаламасдан айтиш қийин эди. А. Қосим гўёки онасига, вақти келиб, ҳеч ким менинг ҳолимни сўрамай қўйса, айбни ўзимдан қидиришим керак, деган маънода, «шу кун менга йиғлашни ўргат», деб илтижо қилади. Сўнг асосий муддаога ўтади:

**Жўра бўлсам бевафоларга,**
**Юртга хизмат қилмасам, яна,**
**Ўхшаб қолсам бедаволарга,**
**Шу кун менга йиғлашни ўргат.**

Шоир Ватанга хизмат қилмасликни бевафоларга жўра бўлишга, бедаволарга ўхшаб қолишга тенглаштираркан, юртига содиқ бўлмаган инсон қайғу-ғам чекишга мажбур, деган ғояни илгари суради.

Асқар Қосим шўро тузумига, турғунлик даврига қарши фикр-туйғуларини шеърга соларкан, юқорида эслатганимиздай, асарларига «Занжи», «Чили шоирининг айтганлари», «Анжела Девис монологи», «Жаҳон қизи» сингари сарлавҳалар қўярди. Унинг сўзлари хорижлик қаҳрамонлар руҳига ҳам, ўз ватандошларимиз туйғуларига ҳам мос тушаверарди. Жумладан, «Занжи» шеърида гўёки африкалик қора танлиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинаётганга ўхшайди, аслида аса сатрлар ботинида ўз дардимиз — истиқлол дарди яширин. «Кўзингни оч каттароқ, ҳабаш ўғли занжи-занжи! Етар сенга оқларнинг берган жабру ранжи-ранжи», деган сатрларни ўқир эканмиз, гап ўзимиз ҳақимизда кетаётганини сезиб:



**Орзули дунёда, биродар,**
**Толеим бормикан,**
**толеим борми.**
**Тупроққа бўлдим**
**мен баробар,**
**Ҳуқуқим бормикан,**
**ҳуқуқим борми, —**

деган сатрлардан ҳам худди шундай маънони ўқиб оласиз.

«Жаҳон қизи» балладасида Анжела Девиснинг ҳаёти ифодалансада, гап собиқ иттифоқдаги сиёсий маҳбуслар тўғрисида бораётгани сезилиб туради. Шоирни халқнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун кураша олмаслиги, ўзлигини англаб етмагани кўп изтиробга соларди. У Анжелани озод қилиш талаби билан чиққан халқ тилидан сўзлар экан, бу гап элдошларимизга ҳам тааллуқлилигини англатади. Зеро, шеър персонажларидан бири: «Қулоғимиз кўниккан ҳақоратга, зиллатга», — деса, иккинчиси: «Бизни тарқоқ тутишар, эгамасмиз миллатга» — дейди. Учинчиси эса Анжела Девиснинг ўзларига раҳнамо бўлишини орзулайди:

**Данко янглиғ бошласин**
**Ботқоқликдан чаманга,**
**Биз ҳам эга бўлайлик**
**Яшнаган ҳур ватанга.**

Афсус, Асқар Қосим Ватанни озод кўришга муяссар бўлолмади. Жамиятдаги биқиқлик уни касал қилди, касталик эса ўлимга етаклади. Ундан бизга «Фаввора», «Кўнглим кабутарлари», «Замин кўрки», «Мовий осмон», «Сирлар», «Бир кун қайтарман» каби шеърий тўпламлар ва бир қанча таржима асарлар мерос бўлиб қолди. Юпанч шулки, бугунги кунда шоирнинг шеърлари, таржималари озод ватан равнақига хизмат қиляпти.

**Ботир НОРБОЙ,**
**ТошПМИ ўзбек тили кафедраси мудири, доцент**

### ЭЗГУ НИЯТ

Ташвиш тортманг, эй, қора кўзлар,
Қароғингиз фикру зикримда.
Мен ёнаман, не-не юлдузлар
Парвонадек кезар гирдимда!

«Ўз» ибтидо, интиҳоси «бек»!
Юраверинг «ўзим-ўзим» деб...
Мотамда ҳам Тўйчи ҳофиздек
Куйлаганман «Қаро кўзим» деб!

### ДЎСТИМГА

Бир коса шарбатдир умр дегани,
Ичилди дастлабки ютум хотиржам.
Сўнггиси қанақа, татиб кўр, қани,
Ҳар икки хўпламда, дўстим бир хил таъм.

Бари бир қониқа олмайсан тугал,
Ташна қолаверар барибир кўнгил.
Бир ютум сипқариб қувонсанг бир гал,
Ғам тоши босади бошқа сафар зил.

Гар шундай бўлса, хўш, нечун бу келбат?
Нимага ивирсиш бекор, беҳосил?!
Маънили сўз билан оламни тебрат,
Ориф бўл жаҳонда бамисли Бедил.

Қаҳрамонлик кўрсат, намуна кўрсат,
Қор ёғар эртага қолса агар иш...
Ўзингга чинликни эп билгин фақат,
Номингга ёғилсин ҳурмат ва олқиш.

### ХАЙР ДЕМА

Ёмғирдан сўнг очилди боғлар,
Энди еллар гирдикапалак.
Астагина титрар япроқлар,

Хайр дема, беозор малак.
Қара, қандай нафис тароват,
Осмон аро хил-хил камалак.
Энди келди сокин ҳаловат,
Хайр дема, беозор малак.

Тўзғиб кетган сочинг паришон,
Кокилларки, ҳали жамалак.
Эртанги соф кунларга ишон,
Хайр дема беозор малак.

Айриликдан қалбим аламда,
Сен ҳам кетсанг, маъсума фалак.
Нима қолар менга оламда?
Хайр дема, беозор малак.

### МЕРОС

(ҳазил)

Оқшом тугагач, қалбимга маним
Кириб келди бир тўда қўноқ.
Ҳаммаси ҳам ёвларга ғаним,
Ҳаммаси ҳам дўстларга ўртоқ.

Уй тўридан бериб қўйдим жой,
Улар бунда фироқ кўрмади.
Мезбон деган мисли Ҳотамтой,
Уч кун эмас меҳмон ҳурмати.

Айтилгач кўп ажойиб сўзлар,
Ошкор бўлди уларга розим:
— Менинг кулбам ҳар ҳолда, дўстлар,
Фарзандимга қолиши лозим!

### ЭЙ, ҚОРА КЎЗИМ

Ушбу жаҳон ичинда
Овора ўзим-ўзим.
Отилиб ердан чиққан
Фаввора ўзим-ўзим.
Жумла сайёра нурсиз,
Сайёра ўзим-ўзим.
Керакмас менга «ТУ»лар,
Тайёра ўзим-ўзим.
Ғам ема, бўтам, асло,
Эй, қора кўзим-кўзим.
Эл олдида ҳамиша
Ёп-ёруғ юзим-юзим.
Аюб янглиғ сербардош,
Талабгор ўзим-ўзим:
Ўткир эрур қиличдек
Ҳар сўзим, сўзим-сўзим.
Иймоним берди оқлик,
Матлубим — тўзим-тўзим.
Ушбу жаҳон ичинда
Овора ўзим-ўзим.

**Асқар ҚОСИМ**

*Миллий чолғулар*

## УД

Энг кўҳна чолғулардан бўлмиш уднинг ватани форс, араб мамлакатлари бўлиб, VI асрдаёқ Яқин Шарқ, Кавказ ва Ўрта Осиё мамлакатларига кенг тарқалган.

У илк даврида 4 торли бўлган. Сўнг устод Зирёб бешинчи торни ихтиро қилган.

Уднинг косаси ёғочдан (уд—араб тилида ёғоч), қовоқдан ясалиб, дастаси калта ва пардалар боғланмайди.

Уд мизробли (нохун) чолғулардан ҳисобланади. Товуши унча баланд бўлмаса-да, ўта мулойимлиги бор. Замонавий уднинг сози тўрт парда ораликда бўлиб, беш қўш торлидир.

Шарқнинг таникли мутафаккири Сафиуддин Урмавий уд чалишда моҳир хонанда ва бастакор эди. Олим уд ҳақида назарий қоидаларини баён этди. Уднинг квартага мос созланган беш қўш тори ҳақида Шерозий, Жомий, Ал-Ҳусайний, Мароғий, Ибн Синолар ҳам кўп риосла-ю, маълумотлар ёзиб қолдиришган. Жомийнинг «Мусиқа ҳақида рисола»сида уд дастасининг тўла чизмаси, уни созлаш каби тўлиқ маълумотлар берилган. Жомий мусиқанинг тингловчиларга таъсири ҳақида тўхталаб, унинг чуқур руҳий ва маънавий аҳамияти бор, деб ҳисоблайди. Шеърият султони Мир Алишер Навоий удни яхши чертиб 12 мақомга ўз ҳиссаларини қўшган экан. Машҳур созанда ва хонанда Алишоҳ билан бирга созлари билан жўр бўлганлар ва мақомларга сайқал берганлар.

Замонавий чолғу жамоаларини удсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки уд мусиқада асосий ролни ўйнайди. Кўриб турибсизки, уд биз ўзбеклар учун янги чолғу эмас. Зеро, бир вақтлар созандаларимиз эътиборидан тушиб вақтинча йўқолган эди. Ҳозирги кунда Тошкент Давлат консерваториясида уд чолғуси талабаларга ўргатилади.

Ўзбекистонда якканавоз уд чолғучилари ҳозирча саноқли, аммо умидимиз катта, араб, арман, озар машшоқлари каби моҳирона созни сайратиш қўлимиздан келади.




***Уднинг номи калтадирки,***
***икки ҳарфдан иборат,***
***Торлари мўл, майин, қалин,***
***ичаклардан иборат.***
***Уд чертишда моҳир бўлган,***
***Навоий-ла Алишоҳ,***
***Майин, мунгли куйлар билан,***
***қурибтилар иморат.***
***Бир вақтлар театрда***
***қўйиларди «Навоий»***
***Спектакл орасинда уд янграб***
***турар эди,***
***Шу куйларга оро берган***
***бўларди Муродбейли.***
***Томошабин ўз завқидан***
***баракалло деярди.***

***Уд чалишда устозларнинг***
***айтаверса номи кўп,***
***Сафиуддин Урмавийдир,***
***Удга жило берган хўб.***
***Уд ўзбекнинг сози бўлди,***
***яна қолди жойида,***
***Ўзбек, араб, тожик, озор,***
***севиб чалар жами кўп.***
***Уд янграган саройларда,***
***шоҳу вазир қошида,***
***Созандаси ўзбек бўлиб,***
***дўппи кийди бошига.***
***Бу ажиб чолғуни дерлар,***
***яратганга офарин,***
***Удни кўрган Сайфи машшоқ,***
***аста битди таърифин.***

***Сайфи ЖАЛИЛ, профессор***

**Миллий Тикланиш**
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —044.
1904 нусхада босилди.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 33-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Бектемир ПИРНАФАСОВ
1 2 3 4 5 6